

Намуна

Кириш кисми

«_____» масъулияти чекланган жамияти лойихасининг бизнесрежаси, Карши шахрида колбаса махсулотлари ишлаб чикариш учун керакли асбоб-ускуналарни сотиб олишни ташкиллаштиришни асослаш максадида тақдим этилмоқда.

Лойиха ташаббускори томонидан, Карши шахрида колбаса махсулотлари бозорида талаб ва таклифни таҳлил килиш натижасида, ушбу махсулотни ишлаб чикаришни ташкиллаштириш түгрисида карор кабул килинди. Шахарда ушбу махсулотлар бозорида вужудга келган шароит, яъни арzon ва юкори сифатли колбаса махсулотларига талабнинг катталиги, бундай карорни кабул килишга асос булди.

Лойихани амалга ошириш учун, кредит хисобидан сотиб олинадиган ускуналар, лойиха ташаббускори томонидан ижарага олинадиган иш майдонига жойлаштириш кузда тутилмоқда.

I. ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИ ТУГРИСИДА МАЪЛУМОТ.

Лойиха ташаббускори, «_____» масъулияти чекланган жамиятининг Низомини Давлат руйхатидан утказиш түгрисидаги, Карши шахар хокимининг __ йил _____ куни, № X _____ сонли карори билан руйхатдан утказилган.

«_____» масъулияти чекланган жамиятининг дастлабки Устав фонди
40 000 000 сумга тенг.

Жамиятнинг хукукий манзили: Узбекистон Республикаси, Кашкадарё вилояти, Карши шахри, _____ кучаси __-уй.

II. ЛОЙИХА ТАШАББУСКОРИНИНГ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ.

Жамиятнинг максади ва фаолият турлари, Жамият Низомининг 4-бобда курсатиб утилган.

Жамият Низомининг 4-боб, 11-моддасининг биринчи, иккинчи кисмида белгиланганидек. Юртимиздаги ахолига савдо, саноат ва майший хизмат курсатишни, гушт махсулотларини кайта ишлашни ривожлантиришdir.

2. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ.

«_____» МЧЖ фаолияти гушт махсулотларини кайта ишлашга ихтиослашган. Жамиятнинг асосий максади халкимизни тоза ва сифатли гуштни кайта ишлашдан колбаса махсулотлари ишлаб чикариш билан таъминлаш ва ахолини ушбу махсулотларга эҳтиёжларини янада кондиришдан иборат.

Лойиханинг умумий киймати **10700391,5** сумни ташкил этади. Шундан кредит микдори 10000000 сум булиб, кредитнинг муддати 12 ой булиб, 24% йиллик режалаштирилган. Лойиха ташаббускорининг асосий максади колбаса махсулотлари ишлаб чикариш линияси сотиб олинниб, колбаса махсулотлари ишлаб чикариш мулжалланмоқда.. Ушбу махсулотлар бозорида вужудга келган шароит, яъни арzon нарҳдаги, юкори сифатли колбаса махсулотларига талабнинг катталиги, бундай карорни кабул килишга асос булди.

Ушбу лойихани амалга ошириш, вилоятимизнинг ички истеъмол бозорини, юкори сифатли, нархи арzon, махаллий ишлаб чикариш махсулотлари билан тулдириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса, ишлаб чикаришни кенгайтиришга йуналтиришга ички имконият яратиб беради.

3. ЛОЙИХАНИНГ МАКСАДИ.

Ушбу лойихани амалга оширишдан максад, кредит хисобидан сотиб олинадиган колбаса махсулотлари ишлаб чикарадиган асбоб-ускуналарда ишлаб чикаришни ташкиллаштиришни асослашdir.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан максад куйидаги сабабларга кура:

- махсулот таннархининг юкори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини коплай олишлиги,
- хом- ашени етказиб берувчилар ва тайер махсулотларни сотувчи каналларнинг ташкиллаштирилганлиги ва етарли даражада тажрибага эга эканлигидан, лойиханинг максадга мувофикалигини курсатади.

Хом-ашени етказиб берувчилар ва етиштириладиган тайер махсулотларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиха буйича хамкорлик килишга жуда катта кизикиши ва истаги борлигини курсатди. Худудий кулай жойлашганлиги, хамда етиштириладиган тайер махсулотлар харид бозорининг кенглиги сабабли, лойихани амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратилади.

4. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

Кашкадаре вилояти худуди, гушт махсулотлари етиштиришга мослашган ва асосий етиштирувчилар ширкат хужаликларицир. Етиштириладиган гушт махсулотларига булган талабнинг асосий кисмини Тошкент, Самарканд вилоятлари ташкил этади. Юкорида кайд килинган хужаликларнинг етиштираетган махсулотларининг таннархи юкорилигига, бошка вилоятларга олиб борища транспорт харажатлари махсулот нархига кушилиши сабабдир.

Шунинг учун вилоятимизда ички ва ташки истеъмол бозорларининг талабига, сифати жихатидан тулик жавоб берадиган етиштирилган кишлок хужалиги махсулотларини кайта ишлашни купайтиришни ташкил этиш максадга мувофик булади.

Лойиха ташаббускорининг ракобатга кучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг узгаришига тезда мослашиш хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юкорида кайд этилган хусусиятга кура, амалга ошириладиган лойиханинг, биринчи навбатда, тушаётган талабга караб, етиштириладиган махсулотлар ассортименти ва номенклатурасини киска муддат ичида узгартириш, мослаштириш, махсулотларни ишлаб чикиришда, ички харажатларининг пастлиги, ракобатга бардош бериш имкониятига эга булишини кафолатлайди.

5. СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Ишлаб чикирилган махсулотларни вилоятимизда ва бошка вилоятлар худудида жойлашган истеъмолчилар билан тугридан-тугри тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Сотиш программаси стратегияси, етиштирилган махсулотларнинг сифати, турига булган талабни хамма вакт урганиш, бозор шароитини узгаришига тезда мослашиш, хамда, юкорида кайд этилган фикрлардан келиб чиккан холда, тайер махсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

6. ЛОЙИХА НАРХИ.

Лойиханинг умумий нархи **10700391,5** сумни ташкил этади. Шундан асосий капиталнинг киймати 6387520 сумни ташкил этади.

Лойихани амалга ошириш учун, лойиха ташаббускори томонидан, банкдан, 10000000 сум микдорида карз маблаглари хисобидан асбоб-ускуналар ва хом аше сотиб олиш режалаштирилган.

6.1 таблицада, лойиха нархи аник курсатилган.

Лойиханинг умумий нархи

Жадвал 6.1.

№		Уз хисобидан (сум)	Банк кредити (сум)	Умумий микдори (сум)
1.	Жой учун ижара	6000000	0	600000
2.	Технологик линия колбаса ишлаб чикариш учун	0	6387520	6387520
3.	Хом аше:	0	3612480	3612480
4.	Гаровга куйиладиган мулкнинг сугурта тулови (1 йилга мулк кийматининг 0,5% микдорида)	100391,5	0	100391,5
	ЖАМИ	700391,5	10000000	10700391,5

Кредитнинг таъминоти сифатида 20078286 сумлик жамиятнинг мулки булган «_____» ОҲЖ худудида жойлашган савдо дуконини тақдим этади.

Лойихада хисоб-китоблар учун кабул килинган кредит шартлари

1. Кредит микдори –7000000 сум
2. Кайтариш муддати – 12 ой.
3. Имтиез даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 24 %
5. Кредитни епиш – 6-ва 12-ойда кредит суммасини teng баъдаллар билан кайтариш.
6. Кредит маблагини 100% пул кучириш йули билан олинади.

7. ИШЛАБ ЧИКАРИШ ПРОГРАММАСИ

Колбаса ишлаб чикариш режаси.

Ишлаб чикариш режаси ва ишлаб чикариладиган маҳсулотлар номенклатураси, цехнинг техник имкониятидан келиб чиккан холда тузилди.

Ишлаб чикариладиган маҳсулот хажми, 1 ойда, яъни 24 иш кунида лойиха буйича тулик кувватда ишлаганда 2400 кг тайер маҳсулот ишлаб чикарилади.

Ишлаб чикариш режасини тузишда, ишлаб чикаришни ташкиллаштириш жараени хам эътиборга олинган.

Ишлаб чикариш жараени.

Лойиха ташаббускорининг фаолият курсатетган цехида ишлаб чикарилган тайер махсулотларни музхонада саклаш, махсулот ишлаб чикаришни кенгайтириш имкониятини яратади. Цехнинг ишлаб чикариш куввати 1 сменада 100 кг тайер махсулотга тенг.

Бизнес-режада, бир хафтада иш куни, 6 кун хисобида кабул килинган.

100 кг колбаса ишлаб чикаришга кетадиган материал харажатлар ёйилмаси

№	Харажатлар номи	Улчов бирлиги	Микдори	Улчов микдор Нархи (сум)	Жами
1.	Гушт	кг	90	1503	135270
2.	Туз	кг	3	250	750
3.	Картошка крахмали	кг	3	180	540
4.	Зираворлар	кг	2	5000	10000
5.	Колбаса кобиги	м	22	180	3960
Жами					150520

Ишлаб чикариладиган 1 кг колбасанинг таннархи 1505,2 сум.

Амортизация

Ушбу лойихада ташаббускорнинг кредит маблаглари хисобидан сотиб олинадиган ва жамиятнинг балансида акс эттириладиган мулк буладиган колбаса ишлаб чикариш ускуналарининг нархи 6387520 сумни ташкил этади. «Солик кодекси»даги амортизация чегирмаси ускуналар учун 15% белгиланган.

1 йиллик амортизация чегирмаси микдори 958128 сумни, 1 ойлик микдори 79844 сумни, 1 кунлик микдори 3326,9 сумни ташкил этади.

1 кг колбасада амортизация чегирмаси 33,3 сумни ташкил этади.

Электро-энергия харажатлари.

Бир кунда 50 кВт энергия сарф булса, Корхона бир кВт электроэнергия учун 17,5 сум микдорида хак тулайди. Бир кунда 875 сум э/энергияга туланди. 1ойда 21000 сум, 1 йилда 252000 сумни ташкил этади.

1 кг гуштда электр энергия харажати 8,8 сумни ташкил этади.

Ташкилий режа

Ушбу лойихани амалга оширишдан, З та янги иш урни ташкиллаштирилади. Корхонанинг маъмуриятини саклаш, хужаликнинг бошка фаолият туридан олинадиган даромадлар хисобига копланади

Иш хаки фонди хисоби

Жадвал 7.3

№	Штатлар руйхати	Ишчилар сони	Ишчилар оклади мик	Бир ойлик маоши	Йиллик маоши
1	Ишчи	2	15000	30000	360000
2	Цех бошлиги	1	15000	15000	180000
	ЖАМИ:			45000	540000
	40% Устамаси б/н			18000	216000
	ЖАМИ суммаси			63000	556000

1 кг колбасада иш хаки харажати 26,3 сумни ташкил этади.

Транспорт харажатлари

Лойихада транспорт харажатлари бир йилда 300000 сумни ташкил этади.

1 кг гуштда транспорт харажатлари 10,5 сумни ташкил этади.

1 кг колбасанинг калькуляцияси

Жадвал 7.4

№	Курсаткич номи	Суммаси
1.	Материал харажатлар	1505,2
2.	Амортизация	33,3
3.	Электроэнергия	8,8
4.	Иш хаки	26,3
5.	Транспорт	10,5
6.	Бошка харажатлар (2% микдорида)	31,7
7	Жами харажатлар	1615,8
8	Фойда 50%	807,9
10	Сотилиш нархи	2423,7

1кг колбасанинг сотилиш нархи 2423,7 сумни ташкил этади.

1 йилда жами харажатлар $1615,8 \times 28800 = 46535040$ сумни ташкил килади.

Солик туловлари ва чегирмалар.

Лойиха ташаббускори ягона солик тулайди. Ягона солик ставкаси, олинган даромаддан 12%ни ташкил этади. 1 йилдаги режалаштирилган тушум микдори 69802560сумга тенг. Солик микдори 12 ойда 8376307,2 сумга тенг.

8. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Юкорида кайд этилган курсаткичлар асосида 8.1 таблицада, бир йил ичида олиниши режалаштирилган даромад курсатилган.

Таблица 6.1.

№	Сотиладиган махсулот номи	Улчов бирлиги	Сони	Нархи (сум)	Жами (сум)
1	Колбаса	кг	28800	2423,7	69802560

12 ойда умумий даромад 37312280 сумни ташкил килди.

Банк кредитини фоизи билан кайтариш схемаси.

Жадвал 8.2

№	Кайтариш даври	Кредит суммаси	Кредит фоизи 24%	Кредитни кайтариш суммаси	Умумий Тулов суммаси
1	0 йил	10000000	--	--	--
2	6 -ойда	10000000	1200000	5000000	6200000
3	12-ойда	5000000	600000	5000000	5600000
	ЖАМИ	X	1800000	10000000	10800000

Молиявий режа схемаси

Жадвал 8.3

№	Курсаткичлар номи	12 ойда (сум)
1	Пул тушуми	69802560
2	Харажатлар	46535040
3	Даромад	23267520
4	Ягона солик	8376307,2
5	Кредитнинг фоизи	1800000
6	Кайтариладиган кредит суммаси	10000000
7	Аренда	600000
8	Соф фойда	2491212,8

12 ойда лойиха ташаббускори 2491212,8 сум соф фойда билан чикади.

9. ХУЛОСА.

Ушбу лойихани тақдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, вилоятимиз, республикамиздаги гушт махсулотларининг кайта ишлаш бозорлари ахволи урганилди ва лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган хамма факторларни эътиборга олиб, чукур тахлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, хамда колбаса махсулотлари бозорларидаги нархларнинг урганилиб, ички бозордаги шароитни ва мумкин булган хатарлар ва бошка факторларни эътиборга олиб килинган тахлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва хаетийлиги тугрисида хulosага килинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши, лойиха ташаббускори фикрини хаётга татбик этишга, хамда Республика мизда олиб борилаётган иктисадий ислоҳатларга уз улушини қушишга имкон яратилади.

